

Қиз боланинг пешоби теккан нарса ювилади



16:00 / 28.06.2019 3932

(Йигирма биринчи суннат)

Абу Самх розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қиз боланинг пешоби** (теккан нарса) **ювилади. Ўғил боланинг пешоби** (теккан нарсага сув) **сепилади»**, дедилар».

Абу Довуд ва Насайлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Самх розияллоху анҳунинг айтишларича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ғусл қилмоқчи бўлсалар, «Мени тўсиб тур», дер эдилар. У киши орқаларини ўгириб, тўсиб турар эдилар. Бир куни Ҳасан ёки Ҳусайн розияллоху анҳумолардан бирлари Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўксиларига бавл қилиб юборган. Шунда Абу Самх розияллоху анҳу ўша жойни ювиб ташламоқчи бўлганларида Расули Акрам ушбу ҳадисни айтганлар.

Уламоларимиз «Қиз боланинг пешоби ювилишига сабаб, унинг пешоби қуюқ бўлиб, теккан жойига ёпишиб қолади, ўғил боланика эса ундай

эмас», дейдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан